



«Мўғулистонга олий даражадаги ташриф давомида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. ***



Венгрия пойтахтида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Венгрия ҳукуматларaro комиссиясининг 10-йиғилиши бўлиб ўтди. ***



Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Кобул шаҳрида Афғонистон бош вазири вазирамини бажарувчи Мулла Мухаммад Ҳасан Охунд билан учрашди. ***



Ўзбекистон элчиси Алишер Тўхтаев Покистон миллий мерос ва маданият вазири Аврангзеб Хан Хичи билан учрашув ўтказди. ***



Испаниянинг оммабон «La Vanguardia» газетасида «Mara Tours 2025 йил ёзининг сайёҳлик тенденцияларини очиб беради: Ўзбекистон, Норвегия ва Хорватия машҳур йўналишлар қаторида» сарлавҳали мақола чоп этилди. ***

Унда Ўзбекистон 2025 йил 83 мавсумида испаниялик сайёҳлар орасида энг кўп талаб қилинадиган йўналишлардан бирига айлангани маълум қилинган. ***



«Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» мултимода халқаро юк ташиш йўналиши бўйича биринчи юк поезди 17 июль куни Хубэй провинцияси Ухань шаҳридаги Уцяшань бекатидан жўнади, деб хабар бермоқда «Синьхуа» ахборот агентлиги. ***

Озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар ортилган таркиб Шинжон-Уйғур автоном райони Қашқар шаҳрига етиб боргач, контейнерлар юк машиналарига ўтказилади ва «Ирқештом» назорат-ўтказиш манзили орқали Хитойдан чиқиш кетади. Сунгра Ўзбекистон пойтахти Тошкентга етказилади. ***



Париж шаҳрида ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси қўмитасининг 47 сессияси ўтказилди. Сессия йиғилишида Шаҳрисабз шаҳрининг Бутунжаҳон мероси рўйхатидаги маконини сақлаб қолиш бўйича ижобий қарор қабул қилинди. ***



ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда

**Ўзбекистон касабаси уюшмалари
Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг
Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси
кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясидаги нутқи**



Ассалому алайкум, ҳурматли тadbир иштирокчилари!

Ушбу дамларда сизлар билан буюк Ажиниёз Қўсийов ўғли, Бердақ, Ибройим Юсупов, Тўлапберген Қайипбергенов каби ўнлаб етук ижодкорлар, адиб ва шоирларни бағрида улғайтирган қорақалпоқ заминида учрашиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ халқи барча замонларда ўз тарихи, маданияти ва одам-

ларининг мардонавор меҳнати, жасорати билан тилларда дoston бўлиб келган. У бугунги кунларда ҳам азму шижоатда барчага ўрнак бўлаёттир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев илгари сурган тарихий ҳаракат – Янги Ўзбекистон ғоясини амалга оширишда бугун қорақалпоғистонликлар барча соҳаларда пешқадамлар сафида турибди, десак, буям тўғри бўлади.

>>> 2

Айни пайтда касабаси уюшмалари тизимида ўтказилаётган ҳисобот-сайловлар қизғин паллага кирди. Жорий йилнинг февраль-апрель ойларида цех, бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотларида, бирлашган касабаси уюшмаси кўмиталарида йиғилишлар, конференциялар, май-июнь ойларида эса касабаси уюшмаларининг туман, шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бўлиномларида конференциялар ўтказилди.

Айни пайтда эса Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари юқори савияда ўтказиб келинмоқда.

Бугун «Ishonch» газетаси саҳифаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида ўтган ҳисобот-сайловлар тафсилотлари билан танишасиз.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

НУКУС ШАҲРИДАГИ «ОҚ ҚУШ» МАЖМУАСИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КЕНГАШИНИНГ VIII ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРГИ КЕНГЕСИ РАИСИ АМАНБАЙ ОРИНБАЕВ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВ, ҚАТОР ВАЗИРЛИК, ИДОРАЛАР ВАКИЛЛАРИ, МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ ВА ДЕЛЕГАТЛАР ҚАТНАШДИЛАР.

Конференцияда Федерация раиси Қудратилла Рафиқов сўзга чиқиб, слоҳотлар бунёдкори бўлган Президентимизнинг Қорақалпоғистонга алоҳида эътибори ва ғамхўрлигини бугун шу ерда яшовчи ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис қилаётганини ми-

соллар билан келтириб ўтди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгашининг 2020-2025 йиллардаги фаолияти якунлари таҳлил этилди. Таъкидланганидек, ҳисобот даврида кенгашга юридик ва жисмоний

шахслардан келиб тушган 2541 муржаат ўрганилиб, уларнинг фойдасига 6 млрд. 157 млн. 49 минг 929 сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, компенсациялар, маънавий зарарлар ундириб берилди.

>>> 3

2-3-4-саҳифаларда ўқинг...

ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясидаги нутқи

<<< 1

Дарҳақиқат, сўнгги 8 йилда Юртбошимиз Қорақалпоғистон Республикасига неча бор ташриф буюрганини ҳаммамиз яхши биламиз. У кишининг ҳар бир ташрифи доирасида қанчадан-қанча эзгу ва савобли, меҳнатқаш қорақалпоқ элининг фаровонлиги йўлида қатор ижобий ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерга келганда «Мен нафақат ўзбек, балки қорақалпоқларнинг ҳам фарзандиман» деган гапни жуда кўп айтган ва буни барчангиз эшитгансиз. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек – қорақалпоқ бир эл, туғишган оға-инилардир. Тарих, маданият, тил, урф-одатлари-миздаги ўхшашлик буни тасдиқлайди, десам, ким бу сўзимга қарши чиқа олади?!

Мўйноқ, Кегейли ёки Тахтақўпирнинг олис овулидаги қувончли хабар Тошкент, Фарғона ёки Самарқанддаги ватандошларимиз кўнглини ҳам шод қилади.

Зотан, биз бир мушtmиз, яқдилmиз, томиримиз бир!

Ҳурматли делегатлар!

Албатта, Қорақалпоғистон ҳақида гапирганда, бугун бу ерда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари хусусида тўхталмасак бўлмайди.

Очик айтиш керак, кейинги 8-9 йил ичида воҳа таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шаҳар, қишлоқ ва овуллар обод этилди. Аҳоли учун барча зарур шароитларни яратишга киришилди. Одамларнинг турмуши, ҳаёт даражасини кўтариш учун нимаки зарур бўлса, ҳаммаси берилмоқда.

Буни, албатта, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон ва қорақалпоқ халқига бўлган меҳри, садоқати рамзи сифатида тушунамиз. Туб ўзгаришлар ва янгиланишлар тўғрисида сўзим давомида бафуржа тўхталишга ҳаракат қиламан.

Бугун сизлар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳисобот-сайлов конференциясини ўтказиш учун йиғилган эканмиз, ўйлайманки, юқорида айтган мулоҳазаларим барчамизнинг юрагимизда акс садо беради. Чунки бу ўзгаришларни ҳаётимизда, кундалик турмушимизда қўриб турибмиз. Хусусан, суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилинди, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик медиа макон яратиш борасида ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат, пахта яккаҳокимлиги, иқтисодий-сиёсий ёпиқлик, «прописка», «конвертация» каби фуқаролар ҳуқуқини чекловчи муаммоларнинг барчаси бутунлай ҳал бўлди.

Ўтган қисқа даврда муҳтарам Президентимизнинг оқилона сиёсатлари туфайли давлатимиз Янги Ўзбекистон номи билан халқро майдонда тан олинди. Шунингдек, Марказий Осиё давлатлари ўртасида яқин кўшичилик ва дўстлик кайфияти шаклланди. Натижада қўшни давлатлар ўртасидаги «музлар» эриди, халқларимиз эса тарихий биродарлик ва ҳамжиҳатликка эришди. Буни Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг шахс, қолаверса, сиёсий Лидер сифатида минтақа ва дунё сиёсатиға кўрсатган ижобий таъсири, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Урни келганда Юртбошимиз томонидан Қорақалпоғистон иқтисодиётини кўтаришга, одамларнинг турмуш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини эслатиб ўтиш жоиз.

Таҳлилий маълумотларга қарасак, ҳудудда мисли қўрилмаган ўзгаришлар рўй берганини янада аққолроқ кўраимиз. Масалан, авваллари 15 та тумандан 12 таси оғир ҳудуд бўлган Қорақалпоғистон бугун ўз даромадиға эға. 2017-2024 йилларда 5 триллион сўм инвестиция ҳисобига 5 минг 300 дан зиёд лойиҳа амалға оширилди. 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди, 401 та маҳаллада қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Муҳтарам Президентимизнинг юқоридаги сиёсатға ҳамоҳанг тарзда фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам тегишли йўналишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасида бир қатор ишларни амалға оширди ва оширмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида:

– Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгаши маъмурий биносида 1 млрд. 293 млн. сўмлик, «Лочин» болаларни соғломлаштириш оромгоҳида 790 млн. сўмлик капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалға оширилган бўлса, «Оқ кема» болаларни соғломлаштириш оромгоҳини қуриш ва жиҳозлаш ишлари учун салкам 47 млрд. сўм маблағ сарфланди;

– Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги 427-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикасидаги 4 та – «Айдин жол», «Турон», «Орол болалари» ва «Жеткиншек» болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига олиниб, реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди;

– «Аёллар дафтариға» қиритилган воҳанинг энг чекка қишлоқ ва овулларида яшовчи 400 нафардан зиёд хотин-қизлар Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги энг замонавий дам олиш масканида бепул соғломлаштирилди;

– Бўзатов туманида «Бўзатов» санаторийсини қуриш ва жиҳозлаш, шунингдек, ҳудудда 2 минг метр чуқурликдан минерал сув чиқариш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда;

– жорий йилда ушбу санаторий ва минерал сув қудғини фойдаланишға топширишни ҳам режалаштирганмиз.

Юқоридаги мақсадлар учун лойиҳа-смета бўйича 100 млрд. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилмоқда.

Қадрли ҳамкасблар!

Рухсат берсангиз, ҳисобот даврида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан амалға оширилган асосий ишлар тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсам. Хусусан:

– «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун ва янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси қабул қилинди;

– 11 ноябрь «Ўзбекистон касаба уюшмалари кўни» сифатида белгиланди;

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси ташкил этилди;

– тизимдаги санаторийлар сони 2 баробарға ортиб, 31 таға етказилди. Оромгоҳлар эса 4 баробарға кўпайиб, 100 тадан ошди;

– Тошкент шаҳри марказидаги 100 йилдан ортиқ тарихға эға собиқ Свердлов номидаги маданият маскани Касаба уюшмалари саройи сифатида ва янгича қиёфада қайтадан бунёд этилди;

– Тошкент шаҳрининг қоқ марказида Марказий Осиёда яғона бўлган жаҳон стандартлари даражасидаги «Сув спорт саройи» қуриб битказилди;.

– Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихи тикланди ва музейи очилди;

– кўни кеча Қирғиз Республикасидаги Иссиқкўл соҳилида барча замонавий шарт-шароитларға эға 200 ўринли «Bo’ston Resort» пансионати фойдаланишға топширилди.

Кўпчилик илгари Ўзбекистонда касаба уюшмалари 1925 йилда тўзилган, деб юрар эди. Аслида эса касаба уюшмалари ҳаракати 1905 йилдан бошлангани аниқ фактлар ва далиллар билан исботланди. Шунинг учун ҳам бу йил биз Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигини фахр ва ғурур билан нишонламоқдамиз.

Қолаверса, ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон касаба уюшмаларининг халқро миқёсдаги ўрни ва обрўи ҳам ошди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг очиклик, дўстлик ва ишончли ҳамкорлик сиёсатлари натижасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан:

– 2021 йилда Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши;

– 2023 йилда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркия миллий касаба уюшма марказлари иштирокида Туркий Давлатлар касаба уюшмаси ташкилоти таъсис этилди.

Шу билан бирга, 2024 йилнинг 3-5 декабрь кунлари Бразилияда бўлиб ўтган Халқро касаба уюшмалари Конфедерацияси Бош кенгашининг 35-мажлисида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Конфедерацияға тўлақонли аъзоликка қабул қилинди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз касаба уюшмалари тарихидаги муҳим ва унутилмас воқелик ҳисобланади.

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Жорий йилги ҳисобот-сайловлар жараёнида Ўзбекистон касаба уюшмалари тарихида илк бор барча даражадаги касаба уюшмалари ташкилотларида раис ва раис ўринбосарлари сайловлари муқобиллик асосида, доимий штат асосида фаолият юритувчи раҳбарлар эса яширин овоз бериш йўли билан сайланмоқда. Бугунги сайловларимиз ҳам худди шу тартибда бўлади. Ички демократияни янада ривожлантириш йўлида қўйилган ушбу муҳим қадам Халқро касаба уюшмалари Конфедерацияси томонидан алоҳида эътироф этилди.

Азиз дўстлар!

Тизимда эришилган натижаларда 362 минг нафардан зиёд аъзоларни ўз сафиға бирлаштирган Қорақалпоғистон Республикасидаги касаба уюшмалари ташкилотларининг ҳам муносиб ҳиссалари борлигини алоҳида қайд этиш лозим. Касаба уюшмалари фаолиятининг қайси йўналиши бўлмасин, барчасида Қорақалпоғистон касаба уюшмалари етакчилар қаторида эканлигини кўриш мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикасида меҳнат қилаётган касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллариға миннатдорчилик билдираимиз. Улуғбек Абилаевичнинг ҳисобот маърузасида 2021-2025 йилларда Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар батафсил ёритиб берилди. Албатта, ҳудуддаги бошланғич ташкилотлар, тармоқ касаба уюшмаларининг шаҳар кенгашлари ва туман бўлинмалари томонидан кўп ишлар амалға оширилган. Шу билан бирға, фаолиятимиздаги мавжуд камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Зеро, бугун замоннинг ўзи ҳар биримиздан фаолиятимизға танқидий кўз билан қараб, зарур хулосалар чиқаришни талаб этмоқда. Чунончи, **биринчидан**, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги учтомонлама комиссиянинг ўрни ва фаолияти етарли даражада эмас. Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши кейинги фаолиятида бу масалаға жиддий эътибор қаратиши лозим. **Иккинчидан**, корхона ва ташкилотлар ходимларини касаба уюшмалариға тў-

лиқ жалб этиш соҳасида Қорақалпоғистонда катта имкониятлар мавжуд. Лекин «Шу имкониятлардан қандай фойдаланилган?» деган савол туғилади.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йил якуниға келиб, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётида иш билан банд аҳоли сони 750 минг 800 кишини ташкил этган. Шундан 160 минг 200 нафари давлат секторида, 590 минг 600 нафари нодавлат секторида фаолият кўрсатмоқда. Аини кунларда Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари ҳисобида турган жами 362 минг нафар аъзо орасида корхона, ташкилотларда ишловчилар 268 минг нафари ташкил этмоқда.

Мен айтган рақамлар таҳлил қилинса, корхона-ташкилотлар ходимларини касаба уюшмалариға жалб этишда мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани аён бўлади. Масалан, ҳалиғача «Кантекс Инвест», «Бест Коттон Текстиль», «Ланко Мия», «Нукус Мед Тек» каби йирик корхоналарда касаба уюшмаси ташкилотлари тўзилмаган.

Муҳтарам Президентимиз 2021 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Касаба уюшмалари ходимлари ва аъзолариға йўллаган табриғида: «Ҳар қайси корхона ёки ташкилотда албатта касаба уюшмаси фаолият кўрсатиши ва раҳбарлар, албатта улар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши шарт. Шундагина жамиятимизда меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларининг олди олинади, ҳаётимизда ижтимоий адолат янада мустаҳкам қарор топади», деб таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва тармоқ касаба уюшмаларининг ҳудуддаги бўлинмалари янги корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаларини ташкил этишни биринчи галдаги вазифа сифатида билишлари шарт.

Учинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси фуқароларидан келиб тушган мурожаатлар орасида норасмий бандлик масаласи, иш ҳақини кечиктириб ёки умуман тўламаслик, ишдан ноқонуний бўшатиш каби жиддий қонун бузилиши ҳолатлари устидан шикоятлар кўплаб учрамоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги инспектори лавозимида ишлаган Т.Жаксимуратовнинг ишдан ноқонуний бўшатилгани юзасидан биринчи инстанция судиға, апелляция инстанциясиға қиритган давво-аризалари қаноатлантирилмаган. Вахололгани, апелляция инстанцияси судида Федерациянинг Қорақалпоғистон кенгаши юристлари мурожаат қилувчи манфаатларини ҳимоя қилишган. Ишға Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аралашгандан сўнггина масала ижобий ечимини топиб, фуқаро лавозимига тикланган.

Бундай ҳолатлар касаба уюшмаларидаги меҳнат инспекциялари фаолиятини такомиллаштириш, асосий эътиборни меҳнат қонунчилиги бузилганидан кейин чора қўришға эмас, балки унинг олдини олишға қаратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Яна бир энг долзарб масала тўғрисида тўхталмоқчиман.

«Ўзбекнефтьгаз» акциядорлик жамияти томонидан ўз вақтида маблағ ажратилмагани сабабли ҳудуддаги «Устюрт қидирув бургулаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамиятидаги 542 нафар ходимдан бугунги кунда қисман май, июнь ва июль ойлари учун 1 млрд. 735 млн. сўмлик иш ҳақидан мuddати ўтган қардорлик юзасиға келган. Агар ҳар бир ходимнинг оиласида ўртача 3 киши яшаса, 1 минг 600 киши юқорида кўрсатилган ойларда қайси маблағлар ҳисобидан рўзгор юритаётгани Қорақалпоғистон Республикаси кенгашини, қолаверса, Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашини ҳам қизиқтирмаяпти.

Тўртинчидан, 2021-2024 йиллар ва 2025 йилнинг 6 ойи давомида Қорақалпоғистон Республикасида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар жами 54 тани ташкил этган. Шундан 15 таси ўлим билан тулаган, 27 таси оғир ва 12 таси енгил бахтсиз ҳодиса бўлиб, бу маълумотлар Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан рўйхатға олинган. Аслида бу рақамлар Қорақалпоғистон Республикасида 3 баравардан ҳам кўп, яъни бахтсиз ҳодисалар сони 156 тани, шундан ўлим билан тулагани 32 тани, оғир ҳолат 114 тани ташкил қилади. Улар касаба уюшмалари томонидан рўйхатға олинмаган ва хабар берилмаган.

Ушбу бахтсиз ҳодисалардан жабр кўрган ходимларнинг кўпчилигиға белгиланган тартибда ёрдам берилган бўлса-да, айрим бахтсиз ҳодисалар тўлиқ ўрганилмаган ёки ўрганилса ҳам охириға етказилмаган. Ҳудудда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар 15 нафар инсон ўлимиға саабاب бўлишиға қарамай, бу масала бирор мартаба Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмалари билан муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар қўрилмаган.

Умуман олганда, 2020-2024 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасида рўй берган бахтсиз ҳодисалардан жабр кўрган фуқаролар учун давлат бюджетидан 2 млрд. 615 млн. сўм миқдорида зарар пуллари тўланган. Бундан қатъий назар, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва масъул идоралар ўз вазифасиға жиддий қарамаса, оддий ходимлар жабр кўриб қолаверади, оқибатда уларнинг касаба уюшмалариға ва давлатта ишончли пасаяди. Шунинг учун барчамиз бу масалаға масъулият билан ёндашишимиз, ҳар бир бахтсиз ҳодисани синчковлик билан ўрганиб, жабр кўр-

ган ходимларға керакли ёрдамларни кўрсатиб боришимиз шарт.

Бешинчидан, аъзолик бадаллари тушумини ошириш бўйича кўп ишлар қилинган, лекин баъзи ҳолатлар аини йўналишдаги ишларимизға салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан касаба уюшма хизматиға олинган 143 та ташкилотнинг 34 тасидан ёки қарийб 24 фоизида 2022 йилдан бери бирор сўм аъзолик бадаллари тушмаган. Шунға қарамай, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан белгилаб берилган меъёрлариға амал қилинмасдан кенгаш раиси Гульмира Палуаниязова ва ҳисобчи Гуландам Утеулиеваға 2023-2024 йиллар давомида 66 млн. 656 минг сўм миқдорида ортиқча иш ҳақи тўланган.

Худди шундай ҳолат Ўзбекистон тadbиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон бирлашган кўмитасида ҳам қайд этилган. Бирлашган кўмитанинг касаба уюшма хизматидаги 123 та ташкилотдан 20 таси 2022 йилдан буюн, 18 таси эса 2023 йилдан буюн аъзолик бадалларини тўламаган. Бу ҳам етмагандай, бирлашган кўмита раиси Қалжан Бекманова ва ҳисобчи Қыдырбай Утегенова 2023-2024 йилларда жами 64 млн. 41 минг сўм миқдорида ортиқча иш ҳақи тўловлари амалға оширилган.

Молиявий йўналишлардаги камчиликларнинг олдини олиш, уларға умуман йўл қўймаслик учун Қорақалпоғистон Республикаси тафтиш комиссияси фаолиятини тизимли йўлга қўйиш ва комиссия аъзолари масъулиятини ошириш талаб этилади. Юқоридаги каби ҳолатларнинг ҳар бири бўйича айбдор масъул шахсларға нисбатан қатъий чоралар қўрилиш лозим деб ҳисоблайман.

Олтинчидан, ҳудудда «Аёллар дафтари» орқали 2021-2025 йиллар давомида жами 229 минг нафар, шундан жорий йилнинг 6 ойида 36 минг нафар хотин-қизға амалий ёрдам берилди. Бироқ, бу йўналишда айрим камчиликлар ҳам кўзға ташланмоқда. Масалан, Нукус шаҳрида «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичида турар жой учун компенсация тўлаб бериш бўйича режаға киритилган 101 нафар хотин-қизнинг 83 нафарига, Ҳўжайли туманида режаға киритилган 40 нафар хотин-қизнинг бирортасиға ҳам компенсация тўловлари тўлаб берилмаган. Улар ҳозир тураржой учун тўловни қаердан олиб, амалға ошираётгани эса ҳеч кимни қизиқтирмаяпти.

Касаба уюшмалари Қорақалпоғистон кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши шаҳар, туман ҳокимликлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда бу хотин-қизларға тураржой учун компенсация тўлаб бериш масаласи билан биргаликда эхтиёжманд аёллар билан муаммоларини янада ошмиш чораларини кўриши талаб этилади.

Еттинчидан, хотин-қизларнинг муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»ға Қорақалпоғистон Республикасидан тушган мурожаатларнинг аксарияти ҳал этилган бўлса-да, 5 минг 485 тасиға ёки салкам 50 фоизига тушунтириш бериш билан чекланилган, холос. Бу эса, мурожаатларнинг ижобий ечимини топиш имкониятларини излаш ўрниға «енгил» йўли танланганини кўрсатмоқда. Бинобарин, Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ушбу масала юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамкорлигида хотин-қизлар мурожаатлари билан ишлаш масаласида мутасадди ташкилотлар ва туман ҳокимлари масъулиятини янада ошмиш чораларини кўриши талаб этилади.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзларингизға маълумки, жорий йилнинг февраль-апрель ойларида Қорақалпоғистон Республикасидаги бошланғич ташкилотларда ўтказилган ҳисобот-сайловлар жараёнида 377 нафар раис лавозимға биринчи марта сайланди. Уларнинг малакасини ошириш, касаба уюшмалари фаолияти билан яқиндан таништириш ва йўл-йўриқлар кўрсатиш Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг шахсий назоратида бўлиши лозим. Бунинг учун 2 ой давомида махсус ўқувлар ташкил этиб, ҳар бир янги раиснинг малакасини ошириш, бошланғич ташкилотда борган ҳолда ишларни тўғри ташкил этишни ўргатиш керак.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Янги сайланган Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Ижроия кўмитаси конференция ҳисоботи, ҳисобот юзасидан суъға чиққанларнинг маърузаларида қайд этилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан «манзилли ва мuddатли» вазифалардан иборат чора-тадбирларни белгилаб олган ҳолда:

– Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги байрамини кенг нишонлаш;

– Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойи юқори савияда ўтказилиши учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этишлари лозим.

Бу борада, Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари Федерация тизимида ҳар доим ўзининг алоҳида ўрниға эға бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолмишға ишонаман.

Бугун сайланадиган Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Ижроия кўмитаси аъзолариға, шу залда ўтирган сиз азизларнинг барчангизға ишчи-ҳодимлар манфаатини ҳимоя қилишдек хайрли ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

Йўлидаги муҳим қадамлар

ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда

<<< 1

Шунингдек, 2020-2025 йилларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 14 минг 721 та чора-тадбир амалга оширилди. Бунинг учун 61 млрд. 225 млн. 400 минг сўм маблағ сарфланди. 744 та бошланғич касба уюшмалари ташкилотларининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича олиб бораётган ишлари ўрганилганда, 4003 та ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талаблари, қоидалари ва меъёрлари бузилгани аниқланиб, иш берувчиларга 601 марта кўрсатмалар берилди. Натижада 3860 та камчилик бартараф этилди.

Халқимиз маънавиятини янада ошириш, Янги Ўзбекистон стратегиясини омма орасида кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳисобот даврида 10 минг 517 та корхона, муассаса ва ташкилотларда «Маърифат соат»лари ўтказилиб, уларда 991 минг 844 нафар ишчи-ходим иштирок этди. Барча бўғиндаги касба уюшмалари ташкилотлари томонидан 2160 та спорт мусобақалари уюштирилди.

Шу билан бирга, касба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 6914 нафар ишчи-ходим ва уларнинг оила аъзолари соғломлаштирилди. Бўзатов туманида қад ростлаётган замонавий санаторий фойдаланишга топширилиш арафасида.

Ҳисобот даврида ҳудуддаги 11 та стационар турдаги оромгоҳда 32 минг 482 нафар бола дам олдирилди, «Оилавий болалар уйи» ва кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 11 минг 772 нафар болалари шулар жумласидандир.



ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Жамоа шартномалари орқали сўнгги беш йилда корхона ва ташкилотлардаги касба уюшмалари ҳамда иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 2 ёшдан 3 ёшгача бола тарбиясида бўлган 1731 нафар ёш онага, кам таъминланган ёш ои-

лалар вакилларида 15868 нафарага моддий ёрдамлар ажратилди, эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 12851 нафар фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Конференцияда тафтиш комис-

сиясининг ҳисоботи ҳам тингланди. Ўтган даврдаги фаолият «қоникарли», деб баҳоланди.

Муқобиллик асосидаги сайловда Улуғбек Жалменов Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси, Му-

рат Данияров кенгаш раиси ўринбосари лавозимига сайланди.

– Ўзининг катта ва бой тажриба мактаби, шонли анъаналарига эга бўлган мамлакатимиз касба уюшмалари Янги Ўзбекистонда янгича меҳнат муносабатлари шаклланиши



ва равақ топишига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Назаримда, бугунги конференцияни шаффоф ва адолатли ўтди, дея бемалол айтиш мумкин. Чунки тажриба, маҳорат ва яқдиллик муваффақият демакдир. Фидойилиги билан барчамизга устозлик қилиб келаётган Улуғбек Жалменов билдирилган ишонччи яна оқлашига шубҳа йўқ, – дейди Маданият, спорт ва туризм ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Женгис Аялов.

– Раҳбарлик – бу масъулият, – дейди Улуғбек Жалменов. – Билдирилган ишонччи юксак эътироф деб қабул қиламан ва Ватан тараққиёти йўлида хизмат қилишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Кун тартибидagi барча масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинган конференцияда меҳнаткашлар учун муносиб шароитлар яратиш касба уюшмаларининг асосий мақсади эканлиги яна бир бор ўқтирилди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАР ЖАБҲАСИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашида бўлиб ўтган IX ҳисобот-сайлов конференцияси жараёنлари муқобиллик асосида, шаффоф ва адолатли тарзда ўтди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Абдуғаффор Салихов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси аппарати Ташкилий ишлар бўлими мудири ўринбосари Жаҳонгир Ихтиёров, фахрийлар ва делегатлар иштирок этдилар.

Конференцияда сўз олган Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ҳозирги кунда касба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бораётгани, Ўзбекистон касба уюшмалари Фе-

дерациясининг сайй-ҳаракати билан Фарғона вилоятининг Сўх ва Фарғона туманларида жаҳон андазаларига тўлиқ жавоб берадиган замонавий оромгоҳлар бунёд этилгани, шунингдек, «Аёллар дафтари»га кирган юзлаб уй-жойсиз хотин-қизларга уй қуриб берилгани, ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тикув корхоналари фойдаланишга топширилганини таъкидлаб ўтди.

Беш йиллик фаолият таҳлилига бағишланган конференцияда Фарғона вилояти кенгаши раиси Эркинжон Нуралиевнинг ҳисоботи тингланди.

Касба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш ишлари натижасида 5 минг 125 та корхона, ташкилот ва муассасада касба уюшмаси хизмати ташкил этилиб, уларда меҳнат қилаётган 181 минг ходим аъзоликка қабул қилинди.

Айни пайтда кенгаш ўз сафида қарийб 700 минг нафардан зиёд аъзоларни бирлаштириб, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ушбу устувор вазифани самарали таъминлаш мақсадида сўнгги 5 йилда тизимда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, меҳнат жамоаларида ходим-

ларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб, иш берувчиларга 224 та турли мазмундаги тақдимномалар киритилиб, уларнинг 196 таси бўйича иш берувчилар иштирокида ходимларнинг ҳуқуқи тикланди.

Меҳнат низоларини ҳал қилиш бўйича 332 марта судларга турли мазмундаги даъво-аризалар киритилиб, 284 таси ёки 85 фоизи ижобий ҳал этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида 2 минг 269 нафар ходимнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиб, иш ҳақи ва бошқа тўловлар учун 17 млрд. 794 млн. сўм маблағ ундирилишига эришилди.

Қувонарлиси, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан вилоятда 2 та муҳташам ва замонавий – «Сўх» ва «Билимдон» оромгоҳлари қурилди. Уларда ҳар йилги мавсумда минг нафардан зиёд болажонлар мароқли дам олишмоқда.

Шунингдек, 35 мингдан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилиб, улардан 12 минг 903 нафари имтиёзли ва 1 минг 56 нафари бепул йўлланмалар асосида ўз саломатликларини тикладилар. Бундан ташқари, 42 мингдан ортқ болаларнинг оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилгани, 97 мингдан зиёд ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республикамиздаги диққатга сазовор қадамжоларга саёҳатлар ташкил этилгани ҳам бу борадаги ишлар қўлами кенглигидан далолат беради.

Кейинги йилларда соҳада халқро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, кенгаш қўшни Қирғизистон ва Тожикис-

тон касба уюшмалари билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида ҳар йили қўшни мамлакатлардан 50 нафар ўғил-қиз вилоятдаги оромгоҳларда дам олиши анъанага айланди.

Қолаверса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касба уюшмалари фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, «Аёллар дафтари» билан ишлаш тизими орқали ўтган давр мобайнида мутасадди бошқармалар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 400 мингдан ортқ опа-сингилларимизнинг муаммолари ижобий ҳал этилди.

Конференцияда тафтиш комиссияси фаолияти ҳақида ҳам ахборот берилди. Сўнгра келгуси беш йиллик фаолият учун устувор вазифалар белгилаб олинди.

Вилоят кенгаши раиси лавозимига икки номзод – касба уюшмалари тизимида 20 йилдан ортқ меҳнат қилиб келаётган, ташаббускор, катта ва бой тажрибага эга, ҳозир Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири вазифасида ишлаётган Турсунали Каримов ҳамда амалдаги раис Эркинжон Нуралиевлар кўрсатилди.

Муқобиллик ва яширин овоз бериш асосида ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Эркинжон Нуралиев беш йил муддатга қайта сайланди. Шунингдек, Лолаҳон Аҳмедова ва Аббор Отабоевлар унинг ўринбосарлари лавозимига лойиқ қўрилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



ДЕМОКРАТИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда

Эрталабдан вилоят кенгаши биноси атрофи гавжумлашди. Китоблар кўргазмаси ва савдоси ташкил этилган ташкилот фойёсида воҳа санъаткорлари томонидан дилтортар музика садолари янграб, миллий кўшиқлар ижросида делегатлар, жамоатчилик вакиллари, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари ҳамда меҳмонлар кутиб олинди.

Конференцияда вилоят ҳоқими Улуғбек Қосимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Сайфулла Аҳмедов, Федерация аппарати Ташкилий ишлар бўлими мудри ўринбосари Бобир Улуғбеков ва фаоллар иштирок этишди. Шунингдек, Тожикистон Мустақил касаба уюшмалари Федерациясининг Хатлон вилояти кенгаши раиси Ришода Абдирозиқ Шариф бошчилигидаги делегация аъзолари ҳам меҳмон сифатида қатнашдилар.

— Ҳозирги кунда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкамлашда касаба уюшмаларининг ўрни бекиёс. Вилоятимиз тараққиётини мазкур ташкилотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фурсатдан фойдаланиб, Сурхондарёга кўрсатаётган катта ёрдам ва кўмаги учун Федерация раиси Қудратилла Рафиковга вилоятимиз халқи номидан чексиз миннатдорчилик билдирман, — деди Улуғбек Қосимов.

Кун тартибига мувофиқ кенгаш раиси Абдукарим Аҳмедовнинг 2020-2025 йилларда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитилди. Унда кейинги беш йилда соҳада бажарилган муҳим ишлар тахлил қилиниб, муҳокамага қўйилди.

— Юртимизда «Ишон қадри» деган тушунча айнан бугунга келиб, қозлардан жонли ҳаётга кўчди, — деди Абдукарим Аҳмедов. — Мисол учун касаба уюшмаларининг 280 млрд. сўм маблағи жалб этилиб, Олтинсўи туманида 180 ўринли «Хўжайиок» санаторийси, Сариевсўи туманида 50 ўринли «Сангардак» дам олиш маскани ҳамда 200 ўринли «Сангардак» санаторийси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бойсун туманидаги «Омонхона» санаторийсини кенгайтириш мақсадида 200 ўринли ётоқхона, 300 ўринга мўлжалланган ошона ва сув иншоотлари ҳамда бошқа объектлар қурилишига 81 млрд. сўм сарфлангани кўзда тутилган. Шунингдек, Денов туманидаги «Чашма» болалар оромгоҳи янгидан бунёд этилмоқда.

Ҳозирги кунда вилоят кенгаши 7 та тармок касаба уюшмаси, 2870 та бошланғич касаба уюшмаси фаолиятини мувофиқлаштириб, 444 минг 591 нафар аъзони бirlаштирган.

2020 йилда вилоят бўйича тузилган 7435 та жамоа шартномаси орқали 300 минг 519 нафар ишловчи манфати қамраб олинган эди. Ҳозир бу кўрсаткич қарийб 30 фоизга ўсиб, 9815 та жамоа шартномаси орқали ижтимоий шериклик билан қамраб олинган меҳнаткашлар сони, юқорида таъкидлаганимиздек, қарийб 445 мингга яқинлашди. Жамоа шартномаси бандларини бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори 2020 йилда 2468,7 минг сўмини, 2025 йилга келиб эса 7001,8 минг сўмини ташкил этди.

Бу йўналишда кенгашнинг фахрланадиган ютуқларидан яна бири Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари ўртасида ўтказилган «Энг яхши жамоа шартномаси» халқаро кўрик-танловида «Термиз дарё порти» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси (*раиси Капмулина Эльмира Раҳимова*) гoлиб деб топилгандир.

Вилоят кенгаши томонидан меҳнат муҳофазаси ва ушбу соҳадаги муносабатларни йўлга қўйишда ҳам қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Иш берувчиларга, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, банкларга, ҳуқуқий



ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒ БИЛИБ...

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгашининг
IX конференцияси кўтаринки руҳда ўтди

инспекцияларга, прокуратура ва суд органларига иш ҳақини ундириш бўйича кейинги беш йилда 35 та далолатнома киритилди. Натижада ўз вақтида тўланмаган 9034,2 млн. сўм миқдоридagi иш ҳақи ундириб берилди.

Жамоа шартномалари орқали ишчи-ҳодимлар, айниқса, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шaroитлари ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш бўйича ҳар йили режалаштирилган ўртача 82 минг 552 та тадбирдан деярли барчаси бажарилишига эришилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар бир ходимга ажратилган маблағ 2020 йилда 7 млн. 812 минг сўм бўлган бўлса, 2024 йилда 9 млн. 552 минг сўмга етганини кўриш мумкин. Соҳада қонун, қоида ва меъёрларнинг бузилишлари бўйича камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан ҳисобот даврида 2737 та бошланғич касаба уюшмаси кўмитаси фаолияти ўрганилди. Натижада иш берувчиларга 809 та тақдимнома киритилиб, уларнинг ижроси тўлиқ таъминланган.

Афсуски, вилоят бўйича сўнгги беш йилда 58 та бахтсиз ҳодиса рўй берган. Оқибатда иш берувчилар ҳамда суғурта ташкилотларидан касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан 986,6 млн. сўм тоvon пуллари ва 504,2 млн. сўм миқдоридagi етказилган зарар учун маблағлар ундириб берилди.

Бокувичисини йўқотган ва «Ижтимоий реестр»га киритилган оилаларга, «Мурувват» ва «Саховат» уйлари тарбияланувчиларига доимий моддий ёрдамлар кўрсатилди. Кўмакка муҳтожларга касаба уюшмалари ҳисобидан 1 млрд. 800 млн. сўмдан ортик маблағ ажратилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларидан 53 минг 813 нафарининг вилоятдаги диққатга сазовор қадамларига, 8149 нафарининг эса республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди.

Яна бир муҳим ишлардан бири минглаб кишилар касаба уюшмаси

ташкiлотлари ташаббуси билан маданият, маънавият, спорт ва туризм тадбирлари ҳамда мусобақаларига жалб этилгандир.

Ҳисобот даврида касаба уюшмаси фаоллари мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этдилар. 2021-2024 йилларда «Аёллар дафтары»нинг 5 та босқичида 234 минг 228 нафар хотин-қизга 340,9 млрд. сўмлик амалий ёрдамлар кўрсатилди. Жорий йилда ҳам 6-босқичга воҳанинг 70 минг 979 нафар хотин-қизлари киритилди ва уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Узини ўзи банд қилиш, оиласини даромад билан таъминлаш мақсадида ўтган йилда 40 та оиллага тикув машиналари олиб берилиб, 55 та оиланинг ҳолидан хабар олинди.

Ўтган йиллар мобайнида санаторийларда касаба уюшмаси аъзолик бадали ва ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобида 16 минг 477 нафар аъзо ва уларнинг яқин қариндошлари имтиёзли йўлланмалар орқали дам олдирилиб, бунга 54,6 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Ҳисобот даврида 92 минг 384 нафар бола, шундан 32 минг 104 нафари вилоятдаги 9 та стационар оромгоҳда, 60 минг 280 нафари эса мактаблар қoшида ташкил этилган соғломлаштириш масканларида дам олдирилди. Кам таъминланган оилаларнинг 3711 нафар фарзандлари бeгул соғломлаштирилган кунчоқли ҳолдир. Конференцияда ташкилий масала қўрилди. Муқобиллик асосида ўтказилган сайловда раис ва раис ўринбосари лавозимларига делегатлар томонидан 4 нафар номзод кўрсатилди. Яширин овоз бeриш йўли билан ўтказилган сайловда 97 фoиз овоз билан Абдукарим Аҳмедов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси, Қoлиб Боболов 91,7 фoиз овоз билан раис ўринбосари лавозимларига сайланди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

Ўтган беш йил давомида Хоразм вилоятида касаба уюшмаларига жалб қилинган ташкилотлар сони 547 тага ортиб, жами 2544 тага етди. Аъзолар эса 140 минг 17 нафарга ёки 34,1 фоизга кўпайиб, ҳозир 410 минг 847 нафарни ташкил этмоқда. Жамоа шартномалари асосида ҳар бир ходимга 2020 йилда ўртача ҳисобда 2 миллион 426 минг сўм сарфланган бўлса, бугунги кунда 6 миллион 523 минг сўмни ташкил этиб, 300 фоизга ўсишга эришилди.

Бу рақамлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши IX конференциясида тилга олинди. Унда Хоразм вилояти ҳоқими Жўрабек Раҳимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарати раҳбари Олимжон Салиев, Кимё ва фармацевтика саноати ҳодимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Иброҳим Исоқов, ҳамкор ташкилотлар ва иш берувчилар вакиллари, делегатлар қатнашдилар.

Вилоят ҳоқими Жўрабек Раҳимов кейинги йилларда мамлакатимизда касаба уюшмалари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларнинг самардорлигини ошириш мақсадида қатор муҳим ташаббуслар амалга оширилганини эътироф этди.

— Оролбўйи аҳолиси саломатлигини муҳофаз қилиш мақсадида ўтган йили 150 миллиард сўм эвазига «Хонқа» санаторийси учун янги замонавий бино, бу йил 47 миллиард сўмга «Хумо» оромгоҳи биноси қурилиб фойдаланишга топширилгани боис Хоразм халқи номидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига миннатдорчилик билдирман, — деди вилоят ҳоқими.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева сўнгги беш йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида олиб бoрилаётган изчил ислохотлар ижросини таъминлашда касаба уюшмаларининг бир бўғини булган Федерациянинг Хоразм вилояти кенгаши ҳам фаол иштирок этмоқда.

Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали давлат дастурлари доирасида 23 минг 921 нафар ходимга 16 миллиард 527 миллион сўмдан зиёд ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Ҳисобот даврида вилоят кенгашига келиб тушган 527 та мурожаат ўрганилиб, ҳодимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам берилди. Меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 156 та суд мажлисида мутахассис сифатида иштирок этилди ва 240 нафар аъзонинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Ҳодимлар фойдасига 1 миллиард 87 миллион сўмдан зиёд пул маблағлари ундириб берилди.

Жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаз қилиш бўйича кўзда тутилган 216 минг 120 та тадбир учун сарфланган маблағ 66 миллиард 775 миллион 693 сўмни ташкил этди. Шу давр мобайнида 263 та ташкилотда меҳнат муҳофазаси соҳасидаги ишлар ўрганилиб, меҳнатни муҳофаз бўйича 3112 та қонун, қоида ва меъёрлар бузилишлари ҳолатлари аниқланди ҳамда уларнинг аксарияти бартараф этилди.

2020-2024 йилларда болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида 61 мингдан зиёд ўғил-қизлар дам олдирилди. Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ва бошқа вилоятларга 107 минг нафардан зиёд ҳодимлар ҳамда ёшлар саёҳатга юборилди. Шу билан бирга 46

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТИ – УСТУВОР МАҚСАД



минг нафардан зиёд касаба уюшмаси фаоллари, талаба ёшларнинг театр, музейлар, кўргазма заллари ва концертларга ташрифлари уюштирилди. Турли байрамлар арасида кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ўзгалар парварishiга муҳтож кексалар, талаба ва ўқувчиларнинг 61 минг 125 нафарига ижтимоий ҳимоя ёрдами кўрсатилди.

Ҳисобот даврида санаторийларда 12 минг 941 нафар ҳодим имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Бунинг учун касаба уюшмаси ва ижтимоий суғурта бюджети маблағларидан 40 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шунингдек, 2020-2024 йиллардаги давлат дастурлари доирасида 1 минг 183 нафар кўп болали, эҳтиёжманд, ижтимоий кўмакка муҳтож аёллар, ёш оилалар, тиббиёт, таълим соҳалари ҳодимлари, ишлаётган кексалар бeгул соғломлаштирилди ва бу мақсадлар учун 2,6 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Касаба уюшмалари тизимида ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозир вилоятда 151 минг 935 нафар йигит-қизлар касаба уюшмалари тасарруфидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритмоқда. Ёш ҳодимларнинг ташаббус ва қизиқишларини яқиндан ўрганиш ҳамда раҳбарият билан тўғридан-тўғри очик мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида «Раҳбар, ва ёшлар», «Раҳбар, фаоллар ва ёшлар» мавзусида учрашувлар ўтказилди ва унда 1 минг 920 нафар ёш иштирок этди.

Бакувват, пойдевори мустаҳкам, ҳар ишга қодир бошланғич касаба уюшмаси бўлишга Устав талаблари, қабул қилинган қарорларни бажармасдан, ижрони назорат қилмасдан, энг муҳими, иш натижаси учун барча даражадаги касаба уюшмаси органларининг ўзаро масъулияти ва ҳамжиҳатлигисиз эришиб бўлмайди. Шу мақсадда ҳисобот даврида жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини тузиш, унинг ижросини назорат қилиш ва таъминлаш бўйича жойларда 120 дан ортик ўқувлар, семинарлар, долзарб муаммоларга бағишланган 70 дан ортик давра суҳбатлари ташкил этилди.

Конференцияда, шунингдек, тафтиш комиссияси ҳисоботи тингланди. Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон

Қаҳрамони Анора Маҳмудова, вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Нодир Жуманиёзов, Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Янгибозор тумани кенгаши раиси Раимбой Шерзонов ва бошқалар ўтган беш йилда амалга оширилган ишларни эътироф қилган ҳолда, уч томонлама комиссия фаолиятини янада тақомиллаштириш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, иш берувчилар ва касабакўмларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари қўламини кенгайтириш, меҳнат қонунчилиги устидан жамоатчилик назоратини кенг йўлга қўйиш борасида олдинда турган вазифалар юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

— Соҳада фаолият юритаётган тиббиёт ҳодимларининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб иш шaroитларини яратиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу борада бошқарма ва касаба уюшмалари ҳамкорлигида қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Қўпалбой Тангрибердиев. — Жамоа келишувлари ижросини таъминлаш, тиббиёт ҳодимларининг ойллик маоши, иш вақти ва дам олиш ҳуқуқларини қафолашда ҳамкорлик кучайтирилди. Иш жойидаги хавфсизлик, меҳнат муҳофазаси, аёллар ва ёш мутахассислар ҳуқуқларини таъминлашда доимий мониторинг йўлга қўйилди. Ҳалол ва сидқидилда меҳнат қилган соҳа ҳодимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш чоралари кенгайтирилди.

Делегатлар вилоят кенгаши фаолиятини қоникарли, деб баҳоладилар ва тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқладилар.

Шундан кейин муқобиллик асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раислигига ва раис ўринбосарлигига номзодлар кўрсатилди. Яширин овоз бeриш натижаларига кўра, Гулсара Қурбонбоева кенгаш раислигига, Камолжон Бекжонов раис ўринбосарлигига сайланди. Шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қўрултойига делегатлар ҳам сайлаб олинди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«ISHONCH»

Мароқли
дам олинг,
азиз газетхон!



Шўҳрат Қаюмов ва
Юлдуз Турдиева ижросида

«ОТМАГАЙ
ТОНГ»
қўшиғи

Отмагай тонг боғ аро азминг хироман бўлмаса,
Булбули шайдоларинг гулшанда нолон бўлмаса.
Қайдин ишқ ўтига даво айласун парвоналар,
Парпираб бағрин ёқувчи шами жонон бўлмаса.

MUASSIS:

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOILOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYUK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflik fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-83

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G'ulnora Mirahmedov

Musahhihlar:
Dilorom Xudoyberganova,
Umid Xudoyberganova

Sahifalovchi:
Hasan Abdullajilov

Bosilishga topshirish vaqti – 03.50
Toshirildi – 04.10

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning
kompyuter markazida
teritildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch
1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning
poligrafik jihatdan
sifatli chop
etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmийlashtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 083 ta
Shundan: 6 086 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik
kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;
18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 811 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,
236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-711
1 2 3 4 5 6